SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 1-APREL ■ SESHANBA ■ 42 (27.062) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

● СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ: ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

## Россияликлар ҳайратларини яшира олмадилар

«Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг Наманган вилоят филиалида ўта оғир операциялар — шикастланган қўл, оёқ, пай, асаб ва қон томирларини улаш одатий операция қаторига кириб бораяпти

Ўтган йил кузагида Наманган вилоятида «Гастроэнтерология ва гепатологиянинг долзарб муаммолари» мавзуида ўқув семинари ўтказилган эди. Ушанда россиялик олимлардан академик П.Григорьев ва профессор Э.Яковенколар республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг вилоят филиалида бўлиб, ўз ҳайратларини яшира олмадилар. Ўзбекистонда тиббиёт юксак даражага чиқиб бораётгани қайта-қайта эътироф этилди.

Дарҳақиқат, юртимиз тиббиётидаги ўзгаришларнинг самарасини Наманган вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. 1999 йил апрель ойида вилоят кўп соҳали шифохонаси ўрнида бошланган таъмирлаш ишлари бир йилда адоғига етказилди. Марказга 1 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланди, хорижнинг энг замонавий тиббий жиҳозлари келтириб ўрнатилди.

Илгарилари жиддий даволанишга муҳтож беморлар Тошкент ёки Андижонга боришга мажбур бўлсалар, эндиликда бундай оворагарчиликларга ҳожат қолмади.

Тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммаджон Ваққосов раҳбарлигидаги марказ фаолият бошлаган пайтданоқ илмий кузатишлар олиб бориш, касаллик сабабларини аниқлаш, уларни тез ва самарали даволаш асосий мезонга айланди. Натижада қатор янгиликлар амалиётда қўлланила бошланди. Жумладан, биргина жигар ва қорин бўшлиғи суюқлик сақловчи ҳосилаларини ультратовуш ташхис аппарати ёрдамида пункцион қатетлаш усулининг қўлланилиши туфайли беморлар олдингидай 30 кунда эмас, атиги 6 кунда соғаймоқдалар.

Марказда микрожарроҳлик амалиётлари бўйича ҳам муайян тажриба тўпланмоқда. Бу ерда шикастланган қўл ёки оёқ, пай, асаб ва қон томирларини улаш одатий операциялар қаторига кириб қолди. Ўтган йил 19 сентябрь куни 8 ёшли Ҳ.Собиров оғир аҳволда марказга келтирилди. Бахтсиз ҳодиса сабаб ўнг билагининг суяги синиб, қўли осилиб қолган, бир сўз билан айтганда, жонсиз эди. Зудлик билан артериа қон томири, вена ва асаб толалари уланди. Кўп уринишлар натижасида беморнинг қўлларига жон ато этилди. Бунақа мисоллар анча.

Айни пайтда ҳомий ва мутасаддилар ташаббуси билан марказ бўлимларини замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш давом этмоқда. «Сименс» рентген аппарати, «Хиролюкс» ангиографи, «Херман» лапораскопи. функционал диагностика бўлими учун Японияниг «Алоқа» аппарати шифокорларга мададкор бўляпти. Буларга қўшимча АҚШнинг «Санфлавер» компанияси билан 5,5 миллион доллар миқдорида шартнома тузилган. 2001-2002 йилларда мазкур шартномага асосан 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги замонавий асбобускуналар олинди.

Наманганлик шифокорларнинг режалари улкан. 2003-2004 йилларда вилоятда юрак, жигар ва бошқа йўналишлар бўйича ихтисослашган шифо масканлари очиш устида ҳаракат кетяпти. Бунинг учун Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск шаҳарларидаги клиникалар билан алоқалар ўрнатилган. Кўплаб ёш, иқтидорли шифокорлар у ерда ўз малакаларини ошириб қайтмоқдалар.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Суратларда: марказ фаолиятидан лавҳалар.





## Бўстонлиқнинг «ОЛТИН ОЛМА»СИ

Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида яна бир дам олиш маскани — Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли «Олтин олма» оромгоҳи иш бошлади.

Чимён-Чорвоқ ҳудудида курорт ва дам олиш уйлари кўп. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз бу оромгоҳларда дам олиб, соғлиғини тиклаб қайтади. Айни пайтда у алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар сирасига ҳам киради.

Ўтган йилнинг охирида ушбу хушманзара масканда Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Чорвоқ» соғломлаштириш марказининг биринчи навбатини қуриб фойдаланишга топширган, орадан кўп ўтмай, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Металлург» оромгоҳи дам олувчилар ихтиёрига берилган эди. Бетакрор иқлими, табиати билан кўпчиликни ўзига ром этувчи «Чорвоқ» сув омбори соҳилида қад ростлаган «Олтин олма» оромгоҳи ҳам юртдошларимизнинг саломатлигини тиклаш ва кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилади.

— Юз ўринга мўлжалланган оромгоҳимиз энг илғор технология асосида ғоят қисқа вақт мобайнида бунёд этилди, — дейди «Олтин олма» оромгоҳи директори Ф.Муҳиддинов. — Бу ерда дам олувчилар учун яратилган шароит ва кўрсатиладиган хизматлар жаҳон андозалари даражасида ташкил этилган.

Оромгоҳдаги уч қаватли кўркам маданият маркази, қатор конференция заллари, ёзги меҳмонхона, соғломлаштириш мажмуаси, ёзги ва қишки чўмилиш ҳавзаси, сауна, кафе ва барлар, қатор спорт майдончалари, болалар учун алоҳида ўйингоҳлар дам олувчилар ихтиёрида бўлади. Бу — мусаффо табиат қўйнида дам олиш истагида бўлган барча юртдошларимизга бошланаётган ёз мавсумида оилавий келиб ҳордиқ чиқариш учун айни муддао. Зеро, бундай имкониятдан нафақат Олмалиқ металлурглари, балки барча ўзбекистонликлар фойдаланади.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Тошкент — ЕТТБ анжуманига мезбон

**Хабарингиз бор, шу йил 4-5 май кунлари мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарув Кенгашининг XII йиллик йиғилиши ва унинг доирасида Бизнес-анжуман бўлиб ўтади.**

Мамлакатимизда бу йирик анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ўша куни мазкур йиғилиш асносида — у билан баробар ўтадиган Бизнес-форум туфайли Тошкент жаҳоннинг молиявий марказига айланади. Пойтахтимизга 60 дан зиёд мамлакатлардан ҳукумат аъзолари, жаҳоннинг кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлари, йирик трансмиллий корпорация ва компаниялар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, тадбиркор — ишбилармонлар ва жамоат арбоблари ташриф буюрадилар.

Анжуманнинг ўзига хослиги ва ноёблиги шундаки, у Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб, айнан бизнинг республикамиз пойтахтида ўтказилмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан ЕТТБ Бошқарув Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва Бизнес-форум тезкор ҳамда муносиб тарзда ёритилишини таъминлаш мақсадида Миллий матбуот марказида ташкил этилган доимий ишлайдиган Матбуот марказининг 27 март куни бўлиб ўтган тақдимот анжуманида ЕТТБнинг Ўзбекистондаги бошқарувчиси, Бош вазир ўринбосари, Иқтисодиёт вазири Рустам Азимов ЕТТБ — халқаро бизнес оламидаги энг йирик ва нуфузли молиявий ташкилот эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Европа Тикланиш ва тараққиёт Банкининг Тошкент анжумани, — деди вазир ўз сўзида, — нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз кўпгина халқаро молия ташкилотларига аъзо, лекин ҳамкорлик кўлами бобида улар орасида ЕТТБ етакчилик қилмоқда. Унинг Ўзбекистондаги асосий эътибори ва фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётидаги хусусий секторни ривожлантириш ва кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига кредитлар ажратиш, шунингдек, бозор инфратузилмасини тараққий эттириш каби вазифаларга қаратилган...

Дарвоқе, мазкур банк Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан 1990 йил 29 майда тузилганди. Дунёдаги 60 мамлакат, шунингдек, Европа Иттифоқи ва Европа Инвестиция банки унинг таъсисчиларидир. Ўзбекистон 1992 йилнинг 30 апрелидан ана шу ташкилотнинг тўлақонли аъзоси. Унинг республикамиздаги ваколатхонаси 1993 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ЕТТБнинг 42 миллион евро қийматидаги 4200 та акциясига эга. Ўтган давр мобайнида, юртимизда ЕТТБ иштирокида 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 20 та лойиҳа амалга оширилди. Ушбу маблағнинг 723,8 миллион доллари ЕТТБ ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда эса яна 320 миллион долларлик 8 та лойиҳа бўйича ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Анжуманнинг ташкилий қўмитаси маълумотларига кўра, Тошкентга келиши кутилаётган 2000 дан зиёд меҳмоннинг 1200 нафари сармоядорлар бўлиб, улар юртимизда бизнес очиш учун мавжуд имкониятлар, яратилган қулайликлар, хуллас, барча шарт-шароитни ўз кўзлари билан кўриш иштиёқидалар. Демак, мамлакатимизда янги-янги фойдали, манфаатли лойиҳалар тузилиши, самарали шартномалар имзоланишига йўл очилмоқда.

Бугун Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносида ана шу нуфузли йиғилиш олдидан навбатдаги тадбир (семинар кенгаш) бўлиб ўтади. Унда анжуманни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзолари иштирок этадилар. Тадбирни ЕТТБнинг Ўзбекистондаги бошқарувчиси, мамлакатимиз Бош вазири ўринбосари, Республика Иқтисодиёт вазири ёрдамчиси, ишчи гуруҳи раҳбари Наримон Маннопбеков олиб боради.

**Ҳилола САЛОЕВА**

● ХДП ХАБАРИ

## Фракция иштирокини таъминлаш тўғрисида

2003 йил 31 март куни Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ республика Олий Мажлиси XI сессиясида Ўзбекистон ХДП фракциясининг иштирокини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

Йиғилишда мазкур иштирокни таъминлашга қаратилган Тадбирлар режаси ва уни ташкилий-техникавий жиҳатдан амалга оширишга кўмаклашувчи МК Ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Котибият қабул қилган қарорда Олий Мажлиснинг XI сессиясига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифларни тайёрлашга депутатларни, ХДП барча даражадаги сайланма органлари аъзоларини, экспертларни, мутахассисларни, жамоат ташкилотлари вакилларини жалб этиш, уларнинг ушбу ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан таклиф, фикр-мулоҳазаларини «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ХДП фракцияси таклифларини шакллантириш мақсадида, жойларда сессияда қабул қилинадиган қонунлар лойиҳалари юзасидан, «давра суҳбатлари», учрашувлар, мулоқотлар, партия йиғилишларини ташкил этиш, билдирилган таклифларни йиғиш, умумлаштириш ва уларни тезкорлик билан Ишчи гуруҳига етказиш аҳамияти алоҳида таъкидланди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

БИЗНЕС БАНК
BUSINESS BANK
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

## ПАСТНАЗАР

*Баланд бўлса ҳамки шуҳратинг магар,*
*Сен элнинг наздида тубан, пастназар.*
*Кўрсанг бир тангани жондан ҳам кечиб,*
*Пиёда кетгайсан Ҳиротга қадар.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**2003 йил 29 март**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 1 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 584,41 | 1 Польша злотийси | 238,30 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1527,53 | 1 СДР | 1320,28 |
| 1 Дания кронаси | 141,19 | 1000 Туркия лираси | 0,57 |
| 1 БАА дирхами | 263,74 | 1 Швейцария франки | 710,13 |
| 1 АҚШ доллари | 968,69 | 1 ЕВРО | 1048,41 |
| 1 Миср фунти | 168,32 | 10 Жанубий Корея вони | 7,69 |
| 1 Исландия кронаси | 12,62 | 10 Япония иенаси | 81,14 |
| 1 Канада доллари | 659,87 | 1 Россия рубли | 30,87 |
| 1 Хитой юани | 117,03 | 1 Украина гривнаси | 181,59 |
| 1 Малайзия рингити | 254,95 | | |

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

**Бахтиёр АЗИМОВ, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси тизимидаги «Ўзкартошканавуруғлари» фирмаси бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди:**

# КАРТОШКАЧИЛИК: кеча, бугун, эртага

ЁКИ ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА «ИККИНЧИ НОН» ДЕЯ ТАЪРИФ ОЛГАН КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БУГУНГИ АҲВОЛИ, ИСТИҚБОЛИ ВА МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

### Соҳа тарихига бир назар...

**Манбаларда айтилишича, картошканинг ватани Жанубий Америка ҳисобланиб, Перу, Чили давлатларининг илиқ ўлкалари ва Чилоэ ороллари у энг кўп тарқалган. Картошкани Европага илк бор испанлар олиб киришган. Жанубий Америкага олтин топиш илинжида келган испанияликлар тарихда биринчилардан бўлиб картошкани топишган ва ўзлари билмаган ҳолда ботаника фанида улкан кашфиёт қилишган. 1565 йилда эса картошка Испания қироли Филлип II нинг топшириғига биноан Испанияга келтирилган ва шу ердан Италияга, сўнгра эса Франция, Голландия сингари мамлакатларга тарқалган. Россияга эса XVIII аср охирларида Пётр I томонидан келтирилган. XIX аср ўрталарида картошка Ўзбекистонга ҳам кириб келди. У мамлакатимизда 130 йилдан буён экиб келинмоқда.**

Картошка — «картоффел» немисча сўз бўлиб, «дев кучи» деган маънони англатади. Дунё деҳқончилигида майдони бўйича буғдой, шоли, маккажўхоридан кейинги, аҳамияти жиҳатидан эса иккинчи ўринда туради. Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашларича, агар, инсон организми тухум оқсилини 100 фоиз ўзлаштирса, буғдой дони оқсилини 64 ва худди шунингдек, картошка оқсилини 85 фоиз миқдорида ўзлаштираркан. Шундай экан, тиббиёт меъёрларига кўра, ҳар бир киши йилига ўртача 40-45 килограммгача картошка истеъмол қилиши зарур. Агар ушбу рақамни мамлакатимиз аҳолисининг сонига кўпайтирсак, халқимизнинг картошкага бўлган йиллик эҳтиёжи маълум бўлади-қолади.

Савол туғилади: **хўш, шу кеча-кундузда мамлакатимиз аҳолисининг картошкага бўлган эҳтиёжи қондирилаяптими? Картошкачиликни ривожлантириш бўйича қандай муаммолар бор? Картошка уруғчилиги ва селекциясини яхшилаш борасида қандай саъй-ҳаракатлар қилинаётир?**

— Картошка — озиқ-овқат ва техник аҳамиятга эга универсал экиндир. Мутахассислар томонидан картошка таркибида Менделеев даврий жадвалидаги 26 та элемент борлиги аниқланган. Ёш, ўсаётган одам танасидаги суяк ва мускулларнинг мустаҳкам ва бақувват бўлишида картошка таркибидаги минерал элементлар — кальций, темир, йод, натрий, магний, олтингурт, фосфор, калий каби моддалар муҳим ўрин тутади. Агар, шу кеча-кундузда биргина картошканинг ўзидан 500 дан зиёд турли мазали таомлар тайёрланишини назарда тутсак, у халқимизнинг йил мобайнида сеспиртдан тиббиётда фойдаланилса, унинг крахмали — қоғоз, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати учун қимматбаҳо хомашёдир. Бундан ташқари, картошкадан турли пластик материаллар, ҳатто суньий ипак олиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Республикамизда бугунги кунда картошка асосан, озиқ-овқат мақсадлари учунгина етиштирилаётир. Шундай экан, энг аввало, мамлакатимиз аҳолисини тиббий меъёрлар бўйича картошкага бўлган эҳтиёжини қондириш учун йилига 800 минг тоннадан зиёд картошка етиштириш билан бир қаторда, уни қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш, маҳсулотни хорижга экспорт қилишни ташкил этиш зарур.

Собиқ иттифоқ даврида мамлакатимизда картошкачилик билан фақат айрим хўжаликларгина шуғулланар, мазкур ишга марказ томонидан иккинчи даражали вазифа сифатида қаралар, Ўзбекистонда истеъмол учун картошка етиштириш асло мумкин эмас, деган беъмани ақида ҳукм сурарди. Шу важдан, мамлакатимизда фақат эртаги муддатлардагина картошка етиштиришга рухсат бериларди, холос. **Табиийки, бу республикамиз аҳолиси эҳтиёжини умуман қондирмас, шу боис, маҳсулотнинг асосий қисми Россия, Белорусия, Украина ҳамда Болтиқбўйи мамлакатларидан ташиб келтириларди. Ўша йилларда республикамизга ҳар йили 500 минг тоннагача картошка келтирилар, шундан 130-150 минг тоннаси уруғлик ҳисобланарди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: истеъмол учун ташқаридан ташиб келтирилган картошкадан қандай қилиб, уруғлик сифатида фойдаланиш мумкин?**

2-БЕТ

# КАРТОШКАЧИЛИК: кеча, бугун, эртага

## ЁКИ ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА «ИККИНЧИ НОН» ДЕЯ ТАЪРИФ ОЛГАН КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БУГУНГИ АҲВОЛИ, ИСТИҚБОЛИ ВА МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Ўша йилларда мамлакатимизга келтирилган «Огонёк», «Лошицкий», «Белорусский ранный», «Седов», «Лорх», «Вольтман», «Темп», «Детскосельский», «Сулев», «Олев» сингари бир қанча картошка навлари республикамиз бўйича бор-йўғи 30 минг гектар майдонда экилар, ҳосилдорлик эса атиги 75-80 центнердан ошмас, етиштирилган ҳосил чўғи аранг 250 минг тоннани ташкил этарди, холос. Шу боис, аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини бу тахлитда қондириб бўлмас, истеъмол учун зарур картошкани республика ташқарисидан сотиб олишга мажбур эдик. Савол туғилади. **Ўша пайтларда ўзимизда, халқимиз эҳтиёжига яраша картошка етиштириш мумкинмиди?** Ҳа, мумкин эди. Кези келганда шуни айтиш лозимки, собиқ марказ учун республикамизга картошкани четдан олиб келиш маъқул эди. Боиси, мамлакатимизнинг серҳосил ери, қулай иқлим шароитида имкон қадар кўпроқ пахта экиш керак эди. Ўша йиллари Ўзбекистон селекциячи олимлари томонидан яратилган маҳаллий навларнинг кечпишарлиги рўкач қилиниб кам майдонларда экиларди.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларданоқ, ҳукуматимиз томонидан картошкачиликни ривожлантиришга катта эътибор берила бошланди. 1992 йилдан картошкачиликда дунёда етакчи саналган Голландиядан картошканинг юқори репродукцияли (авлодли) навларини республикамизга келтириш ишлари йўлга қўйилди. Ўша йили 900 тонна миқдорида уруғлик картошка келтирилиб, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ, Паркент, Зангиота туманлари, Андижон вилоятининг Жалақудуқ, Наманганда ги Янгиқўрғон, Фарғонадаги Сўх, Самарқанд вилоятининг Тайлоқ, Жомбой туманларидаги картошка майдонларига экилиб, голландиялик мутахассислар билан ҳамкорликда синовдан ўтказилди. **Шу йиллари мамлакатимизда бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад нима эди?** Мақсад — республикамиз аҳолисини истеъмол картошкасига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдан иборат эди. Бироқ, бу чора-тадбирлар билан мамлакатимиз халқини истеъмол картошкаси билан таъминлаш мушкул эди. **Нима қилиш керак?** Вазиятдан чиқиш учун ўша йили Польша ва Россиядан ҳам 260 минг тонна қўшимча истеъмол картошкаси сотиб олинди. Бундан кўринадики, 1992 йилда республикамиздаги 42 минг гектар майдонга картошка экилиб, бор-йўғи 365 минг тонна миқдорида ҳосил олинган. Ҳосилдорлик эса гектарига атиги 80-85 центнерни ташкил қилган. Бунинг сабабларидан бири шундаки, собиқ иттифоқ даврида қолиб кетган бир неча авлодли эски уруғликлар ҳамда уруғлик етишмаганлиги сабабли истеъмол мақсадларида ишлатиб келинган картошканинг экилганлиги бўлди. Табиийки, бу ҳол ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига олиб келган. Ўтган йиллар оралиғида республикамизга фақат истеъмол учунгина картошка келтирилар, серҳосил уруғлик етиштириш учун бирламчи картошка манбалари етишмасди. Масалан, 1995 йилда республикамизга истеъмол учун ташқаридан келтирилган картошканинг 22 минг тоннаси уруғлик сифатида ишлатилганлиги натижасида ҳосилдорлик 1994 йилдагига нисбатан 11 центнерга камайган. Бу эса ўз навбатида ялпи ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатган. Мустақиллик йилларида асосий эътибор картошкачилик ривожланган — Голландия, Германия, Польша сингари давлатлардан юқори сифатли уруғлик олиб келиб, уни республикамизда кўпайтиришга қаратилди. Республика Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимизда картошканинг уруғлик фондини кўпайтириш ва уруғлик тайёрлашни таъминлаш, ички бозоримизни ўзимизда етиштирилган картошка билан тўлдириш мақсадида 1996 йилнинг 30 августида **«Картошкачиликда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва республикада картошка етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»** қарор қабул қилганди. Ушбу қарорга биноан, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси қошида «Ўзкартошка» фирмаси ташкил этилди. Фирма зиммасига — мамлакатимизда картошка уруғчилиги базасини яратиш, картошка етиштиришда илғор хорижий давлатлардан ҳар йили 25 минг тонна миқдорида картошканинг республикамизда синалган, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мос навларини келтириш йўли билан хўжаликларнинг уруғлик картошкага бўлган талабини қондириш, уни етиштириш технологиясини такомиллаштириш, юқори репродукцияли уруғлик ишлаб чиқариш, селекция ва уруғчилик ишларини кучайтириш мақсадида илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш, юқори ҳосил олиш учун ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш вазифалари юклатилганди.

Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишларда бир қатор амалий ишлар қилинди. Натижада етиштирилган картошка ҳосилининг ҳажми йилдан-йилга ортиб борди. Агар 1991 йилда республикамиз бўйича жами 351 минг тонна картошка етиштирилиб, ҳосилдорлик гектарига 86,7 центнерни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 731,1 минг тонна атрофида бўлди ва ҳосилдорлик ўртача 140,2, худди шунингдек, 2001 йилда эса бу рақам 148 центнерга етди. Картошка етиштириладиган майдонлар ҳажми 40 мингдан 52 минг гектаргача кенгайтирилди. Ўтган 2002 йилда республикамиз бўйича 49 минг гектар майдонга картошканинг давлат реестрига киритилган «Романо», «Марфона», «Санте», «Кондор», «Мондиал», «Латона» сингари навлари экилиб, 773 минг тонна ҳосил олинди. Ҳосилдорлик эса мамлакатимиз бўйича ўртача 158,4 центнерни ташкил этди. Агар 1997 йилда республикамизга ташқаридан 24 минг тонна уруғлик картошка олиб келинган бўлса, ўтган 2002 йилда бу рақам 2,4 минг тоннани ташкил қилди. Мана, орадан беш йил вақт ўтибдики, мамлакатимизга марказлаштирилган ҳолда четдан бир килограмм ҳам истеъмол картошкаси олиб келингани йўқ. Бу қувонарли, албатта. Ўзингизга аён, муваффақият қуруқ рақамлар йиғиндиси эмас. Демак, у кишиларнинг онгли меҳнати, ўз истиқболини кўзлаб иш тутаётганликларини ҳам исботлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, шу кунларда мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол картошкага бўлган эҳтиёжи тўла қондирилаётир. Агар аҳоли томорқасида етиштирилаётган картошкани ҳам қўшиб ҳисоблаганда буни нечоғли ҳақиқат эканлигини англаш қийин бўлмасди.

Яна шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йилнинг 27 июнида **«Картошка уруғчилиги тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** қарор қабул қилди. Ҳукумат қарорига мувофиқ, «Ўзкартошка» фирмаси эндиликда, «Ўзкартошканавуруғлари» фирмаси деб қайта номланди ва ташкилотнинг зиммасига уруғчилик тизимини яхшилаш, нафақат мамлакатимиз аҳолисини картошка билан таъминлаш, балки уни келгусида хорижга экспорт қилиш вазифаси ҳам юклатилди. Очиғини айтиш керак, бу борада бирмунча саъй-ҳаракатлар қилинаётир. Фикримизнинг далили — пойтахтимизнинг Сирғали туманида картошкани қайта ишлашга ихтисослаштирилган, замонавий технология билан тўла жиҳозланган корхонанинг фаолият кўрсатаётганлиги бунга ёрқин мисолдир. Аммо бизда ҳануз картошкачиликда мавжуд имкониятлардан тўлиқ, унумли фойдаланилмаяпти. Айрим хўжаликларда ўртача ҳосилдорлик 15-17 тоннадан ошмаяпти. Бунга айрим хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг картошка етиштиришда зарур агротехник тадбирларни талаб даражасида амалга оширмаётганлиги сабаб бўлаётир. Демак, соҳани ривожлантириш, уруғчилик тизимини йўлга қўйиш, тармоқни сердаромад, республикамизга валюта олиб келадиган соҳага айлантириш учун ҳали анча ишлар қилишимиз зарур.

Кейинги йилларда республикамизда картошканинг Голландия, Германиядан келтирилган 30 га яқин навлари қишлоқ хўжалик экинларининг Давлат реестрига киритилди. **«Ўзкартошканавуруғлари»** фирмаси мутахассисларининг берган маълумотларига кўра, республикамизга уруғлик асосан Голландия ва Германиядан олиб келинмоқда. Бунга асосий сабаб эса дунёда картошка етиштирадиган мамлакатлар орасида Голландия, Германия, Бельгия, АҚШ, Дания, Швейцария, Буюк Британияда картошкачилик бошқа мамлакатларга қараганда анча ривожланган.

Шундай экан, мамлакатимизда, картошка етиштиришда ана шу давлатлар илғор технологияларининг жорий этилиши ўз самарасини бераётир. Чунончи, бизда экилаётган Голландия картошка навлари энг аввало, давлат реестрига киритилади, сўнгра эса мамлакатимиз картошка майдонларида синовдан ўтказилгач, республикамиз ҳудудига хўжаликларнинг талабномалари асосида олиб кирилади. Бу навлар барча ҳудудларимиздаги тупроқ-иқлим шароитларига мосдир. Сўнгги йилларда бундай навлар фақат бирламчи уруғлик манбаларини янгилаш, бойитиш мақсадидагина хориждан олиб келинаётир. Жорий 2003 йилда ана шу мақсадлар учун 5 минг тонна уруғлик картошка олиб келиш мўлжалланган.

**Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Рафиқжон ҲАКИМОВ**нинг айтишича, Ўзбекистон иқлим шароитида картошкадан эртаги, кечки муддатларда ва такрорий экин сифатида ҳосил олиш имкониятлари мавжуд. Шундай экан, картошка ҳосилдорлигини ошириш ва уни етиштиришни кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири — экин навини тўғри танлаш ва сифатли уруғлик манбаини экиш ҳисобланади. Нав ва уруғлик картошка туганакларини тўғри танлаб экиш орқали ҳосилдорликни 2-2,5 бараварга ошириш мумкин. Бу — картошка экинини парваришлаш шароитларига, уруғликни қандай усулда тайёрлашга, хусусан, ҳароратга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Собиқ иттифоқ даврида республикамизда картошка уруғчилиги ва селекциясини ривожлантиришга эътибор суст эди. Шунга қарамай, 1960 йилларда картошканинг «Обидов», 1980 йилларда эса Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари томонидан «Зарафшон» навлари яратилган. Мамлакатимиз селекциячи олимларининг саъй-ҳаракатлари билан истиқлолимизнинг дастлабки йилларида «Тўйимли», «Ақроб» сингари картошка навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди. 2001 йилга келиб эса, картошканинг серҳосил «Умид» нави давлат реестрига киритилди. Ушбу навлар иссиққа чидамлилиги, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчан эканлиги, узоқ муддатларда ҳам сақланиши билан бошқа тур картошка навларидан алоҳида ажралиб туради.

Сўнгги йилларда мутахассисларимиз томонидан 100 дан зиёд картошка навлари, жумладан, истиқболли селекция манбаларимиздан эса 3 таси синовдан ўтказилди ва ҳозирда улар устида тажрибалар давом эттирилмоқда. Эндиликда, бу борада Перу, Жанубий Корея, Чили, Ҳиндистон сингари давлатларнинг селекциячи олимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Фикримизнинг далили — ҳозирда 3-4-авлодли картошка дурагайлари ажратиб олиниб, улардан маҳаллий шароитимизга мос навлар яратиш устида изланишлар давом эттирилмоқда. Институтимиз олимлари томонидан яратилган навлар биздаги маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамизнинг 1000 гектар картошка майдонларида экилаяпти. Яратилган маҳаллий навларнинг ҳосилдорлиги эса 250-300 центнерни ташкил қилмоқда. Бизнингча, республикамизда картошка селекцияси ва уруғчилигини янада яхшилаш, картошканинг бирламчи уруғчилигини ривожлантиришда етакчи давлатлар тажрибасини мамлакатимиздаги картошкачилик хўжаликларида ҳам оммалаштириш зарур. Ундан ташқари, соҳа мутахассислари ва селекциячи олимларимиз малакасини ошириш орқали ҳам олдимизда кўндаланг бўлиб турган муаммолар ечимини топишимиз мумкин.

Институт директори ҳақ, албатта. Айниқса, уруғчилик бўйича муаммолар оз эмас. Деҳқон ўз ерида картошка етиштириб, ундан юқори ҳосил олишдан манфаатдор. Бир томондан, пешона тери эвазига етиштирган ҳосилини бозорга олиб чиқиб сотса чўнтагига барака киради, иккинчи томондан эса кейинги йил ҳосили учун уруғлик сотиб олишга «уч-тўрт» сўм ҳам жамғаради... Агар турли омиллар боис, далада экилган ҳосил кутилган натижани бермаса-чи? Албатта, бирон-бир банкдан кредит олиш пайига тушади.

Картошкачилик билан шуғулланувчи айрим ширкат хўжаликлари раисларининг кўнчаклик билан айтган сўзларига қараганда, республикамиздаги тижорат банкларидан картошка уруғини сотиб олиш учун хўжаликларга бериладиган кредит фоизининг юқорилиги нафақат картошкачилик ривожига, балки хўжалик иқтисодига ҳам жиддий таъсир кўрсатаркан.

— Кредит фоизининг бу даражада юқорилиги, манаман деган илғор хўжаликнинг ҳам қаддини букиши аниқ, — дейди **Қибрай туманидаги Туроб Нормуҳамедов номли ширкат хўжалиги раиси Обидхўжа СУЛТОНОВ.** — Ўзингиз ўйланг. Бу кимга ёқади? Шу боис, кўп ҳолларда кредит фоизини ўз вақтида тўлай олмай, «қулоғигача» қарзга ботган хўжаликлар ҳақида эшитганимда юрагимда ачиниш ҳисси пайдо бўлади. Фикримизча, картошкачилик билан шуғулланадиган ана шундай хўжаликларга ҳам имтиёзли кредитлар ажратилса... Масалан 15-20 фоиз лимикин...

Илғарилари, ўзимизнинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мос «Обидов», «Зарафшон» сингари навларимиз бўларди. Эндиликда уларнинг ўрнига давр талабига мос, серҳосил янги навларнинг уруғчилиги жорий этилмоқда. Бугунги кунда ана шу навлар уруғчилигини кўпайтиришни даврнинг ўзи тақозо қилаётир.

Назаримда, кейинги йилларда сабзавот экинлари уруғчилиги масалаларига эътибор сусайиб бораётгандай.

Яна бир гап. Ҳозирда картошкачилик ёки сабзавот билан шуғулланувчи қай бир хўжалик раҳбари билан гаплашманг, албатта минерал ўғитлар тақчиллигидан нолийди. Ўша хўжалик раҳбарларига қарата: «Селитра орқасидан кувгандан кўра, кўпроқ маҳаллий ўғитлар билан ишлаш муҳимроқ» дегим келади. Агар ҳалол ва оқил йўл тутсак, уруғчиликка етарли эътибор берилса, ишончим комилки, бизнинг тупроқда ҳосилдорликни ҳозиргидан икки баравар кўпайтириш мумкин.

Дарҳақиқат, пойтахт вилояти азал-азалдан бошқа соҳаларда бўлгани каби картошка етиштиришда ҳам республикамизда ибрат бўлиб келган. Вилоятнинг Паркент, Тошкент, Зангиота, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ, Қибрай, Оҳангарон ва бошқа туманлари бевосита шаҳарликлар дастурхонига сархил сабзавот маҳсулотлари, жумладан, картошка етиштириб беришга ихтисослашган.



— Эндиликда бу иш билан фермер хўжаликлари ҳам шуғулланишаётир, — дейди **Қибрай тумани ҳокими Саидхўжа ТОШХЎЖАЕВ**. — Туманимизда картошкачилик билан машғул ана шундай фермер хўжаликлари томонидан 1997 йилда 299 тонна, 1998 йилда 398, 2000 йилда эса 721 тонна картошка етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ қилинди. Бугунги кунда туман бўйича 804 гектар майдонда картошка етиштирилаётир. Ўтган 2002 йилда Қибрай тумани бўйича 16 минг 368 тонна картошка етиштирилиб, шундан 6 минг тоннаси сотилди ва қолган қисми хўжаликлар ва аҳоли ихтиёрида қолдирилди.

### Фикрлар... Мулоҳазалар... Таклифлар...

— Илгарилари, «Невский», «Прикулский» сингари картошка навлари бўларди. Ана ўша навлар бизнинг маҳаллий иқлим шароитларимизга бирмунча мос, эртаги ва кечки муддатларда картошка етиштиришимизда қулай ҳисобланарди, — дейди **Қибрай туманидаги «Байтқўрғон» ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Абдумажид ЖЎРАБОЕВ.** — Ундан ташқари, бугунги кунда «ернинг хамиртуруши» ҳисобланган, Олмаликдаги «Аммафос» корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Аммафос» минерал ўғитининг 1 килограмми шу кеча-кундузда ўртача 160 сўм эканлиги, яъни қимматлиги биз деҳқонлар учун ҳануз катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Картошка зараркунандаларига, айниқса, колорадо қўнғизига қарши ишлатиладиган кимёвий препаратларни зарур вақтда топиш мушкул, топгандаям нархи жуда баланд.

Тумандаги «Қурбон ота» фермер хўжалигида бўлганимизда, унинг раҳбари **Қурбон ота ХЎЖАЕВ**:

— **«Ўзкартошканавуруғлари»** фирмасидагилар биз фермерлар учун четдан келтириладиган картошка уруғини етказиб беришга қодир. Аммо фермерларнинг ҳар йили ҳам янги уруғлик сотиб олишга қурби етавермайди, — дейди ёши етмишлардан ошган фермер хўжалиги раҳбари. — Ўз навбатида фирма ҳам ҳар бир фермерни ҳар йили хориждан келтирилган уруғлик картошка билан узлуксиз таъминлай олмайди. Чунки, фирманинг ҳам бу борадаги имкониятлари чегараланган. Шундай экан, кўп ҳолларда, уруғликни самарали ишлатишга тўғри келади. Шу боис, ўзимиздаги мавжуд картошка уруғларини бир неча йил мунтазам экиб, уни кўпайтириб, тайёрланган уруғликдан йил мобайнида фойдаланган ҳолларимиз кўп бўлади.

Мутахассислар фикрларидан кўриниб турибдики, картошкачиликда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, муаммолар ҳам йўқ эмас. Демак, соҳани ривожлантириш, уруғчилик тизимини йўлга қўйиш, тармоқни сердаромад соҳага айлантириш учун муаммоларни ҳал этиш керак. Ўшанда картошка кўпаяди, арзон бўлади, бундан деҳқон ҳам, истеъмолчи ҳам бир хилда наф кўради. Шунингдек, картошкачилик орқали мамлакатимизга қўшимча валюта олиб кириш имкониятлари ҳам яратилади.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

**ХДП ХАБАРИ**

## Партия фахрийларга эҳтиром

Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши кексалик гаштини сураётган партиямизнинг фахрий аъзоларини ҳар доим йўқлаб туради.

Туман кенгаши анъанасига айланган «Фахрийларни йўқлаш», тадбирига тумандаги бир қатор корхоналар ҳомийлик қилмоқдалар. Айниқса, байрамлар арафасида фахрийларни йўқлаб, кўнгилларини хушлаш мақсадида совға-саломлар улашишда «Хуршида Бону», «Солихов А.А.» хусусий фирмалари алоҳида хайру саховат кўрсатишмоқда.

— Наврўз байрамида ҳам ана шундай тадбирларни ўтказдик, — дейди туман кенгаши биринчи котиби Л.Исматова.

**Ўз мухбиримиз**

## Саёҳатга чорлашди

**Берлиннинг «Мессе Берлин» кўргазмалар мажмуасида «ITB-2003» сайёҳлик биржаси бўлиб ўтди. Унда жаҳондаги 180 мамлакатнинг ўн мингдан зиёд фирма ва компаниялари иштирок этди.**

Ушбу нуфузли анжуманда мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ориент вояж», «Сайрам Туризм», «Ситора групп», «Планета тур», «Узинтур» ва «Экспресс тур» фирмалари ҳамда «Шератон — Тошкент», «Отель — Тошкент», «Шодлик-Палас» каби меҳмонхоналар томонидан намойиш этилди.

Юртимиз вакилларининг миллий услубда безатилган сайёҳлик расталари Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, маданий мероси, диққатга сазовор жойлари, соҳанинг экологик ва тоғ сайёҳлиги каби янги йўналишлари хусусида батафсил ахборот беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) Бош котиби Франческо Франджалли Ўзбекистон бўлимини томоша қилар экан, мамлакатимиз билан сайёҳлик соҳасидаги сермаҳсул ҳамкорлик натижаларидан мамнун эканини билдирди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташкилотимиз Бош қароргоҳи жойлашган Испания қироллигига ташрифи биз учун катта шараф бўлди, — дея сўзида давом этди жаноб Франджалли. — Ўзбекистон ҳукуматининг сайёҳлик соҳасига қаратган юксак эътибори ташкилотимиз томонидан муносиб баҳоланган. 2002 йил октябрда ЖСТнинг «Сайёҳлик Буюк ипак йўлида» лойиҳасига доир мажлиси, жорий йилда Самарқандда ўтказилиши режалаштирилаётган қатор тадбирлари бунинг ёрқин исботидир.

**Аслам АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА, Берлин.**

## Аскар ва зобитлар билан учрашдилар

Яқинда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг тоғ-дала ўқув машқ майдонида вилоятдаги уруш ва меҳнат фахрийларининг аскарлар ва зобитлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги билан «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши томонидан ташкил қилинган учрашувда кекса авлод вакиллари аскар ва зобитларимизнинг ҳарбий тайёргарликлари, жанговар техникани бошқаришдаги маҳоратлари билан танишдилар. Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларнинг бориши, ҳарбийларимизнинг турмуш шароитлари уларга манзур бўлди.

Бир пиёла чой устидаги суҳбат чоғида она-Ватанни ҳимоя қилиш шарафли бурч эканлиги ҳақида сўз борди.

Учрашув сўнггида «Ўзбекнаво» бирлашмаси вилоят бўлими ҳамда ҳарбий округ бадиий ҳаваскорлик ансамбли санъаткорлари ижросида концерт намойиш этилди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## Зарафшоннинг сув заҳираларини бошқариш

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) Самарқандда янги ўқув маркази очди. Марказ Ўзбекистоннинг тўрт вилоятини ўз ичига олган Зарафшон дарёси ҳавзаси сув заҳираларини бошқаришни такомиллаштириш лойиҳасига кўмаклашади. Марказий Осиёда табиий заҳираларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича Дастур (NRMP) ваколатхонаси мутахассислари бу ҳақда **«Туркистон-пресс»**га маълум қилишди.

Ўқув маркази Самарқанддаги Зарафшон водийси сув хўжалиги бошқармаси биносида жойлашган. Марказ очилган кунда компьютердан фойдаланиш бошланғич курси бўйича ўқув дастури бошланди. Бошқарма ходимлари компьютердан фойдаланиш, электрон жадваллар маълумотлар базасини ишлаб чиқиш бўйича мунтазам равишда чуқур ўқитилади.

Маросимда сўзга чиққан Зарафшон водийси сув хўжалиги бошқармаси раҳбари Зоир Жўрабеков кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари, хусусан, Ўзбекистон ҳукумати ҳам сув энг муҳим стратегик заҳира эканлигини англаб етганлигини, уни тежаб-тергаб бошқариш зарурлигини қайд этди.

Зарафшон сувидан Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги 540 минг гектар ер суғорилади. Вилоятларнинг аҳолиси беш миллионга етади, улардан деярли ярми қишлоқ хўжалиги соҳасида банд. Бундан ташқари, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарлари хўжалиги ва аҳолиси учун сув сарфи миқдорини кўпайтириш зарурати туғилмоқда.

Аммо шўро даврида қурилган суғориш тизимлари эскириб, таъмирлашга муҳтож бўлиб қолди. Дарё ва каналлардаги сув миқдори хусусида ўз вақтида ахборот берилмаслиги сув исрофгарлиги ва ҳосил пасайишига олиб келмоқда.

USAID NRMP лойиҳаси дарёнинг барча оқими бўйича суғориш тизимларини такомиллаштиришга қаратилади. Сувни ҳисоблайдиган 60 та автоматик станция, канал операторларига сув сарфи тўғрисида маълумотлар узатадиган алоқа ускуналари ва компьютерлар ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалик экинларини сувга эҳтиёжини баҳолашни яхшилаш учун дастурий таъминот ишлаб чиқилади. Бу тадбирларнинг барчаси тизим операторлари ва маъмурлари учун янги ўқув марказида ўтказиладиган жадал ўқув дастурлари томонидан қўллаб-қувватланади.

NRMP лойиҳа доирасида дарё, канал ва суғориш тармоқларига хизмат кўрсатиш учун оғир техникаларни (экскаваторлар, кранлар, юк машиналари) тақдим этади.

● ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

# Ташкилотчилик билангина иш битмайди

ДЕЙДИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ, НАВБАҲОР ТУМАНИ ДАГИ «ИСТИҚЛОЛ» ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ РАИСИ СИРОЖ БЕКБЎТАЕВ

**— Сирож Тўрақулович, адашмасам, 30 йилдирки, деҳқончилик, эл маъмурчилиги йўлида ишлаяпсиз. Суҳбатимизни инсоннинг даладаги дастлабки касб маҳорати, хулқ-атвори ва одамлар орасидаги ўрнидан бошласак?**

— Тўғри, киши: хоҳ у раис, хоҳ у ҳоким бўлсин, аввало, касбига меҳри, садоқати, одамлар билан тиллашиб ишлаши билан ажралиб туради. Кишида агар маҳорат, тажриба бўлмаса, у қаерда ишламасин янгилик, ўзгариш яратолмайди. Бу ўринда чинакам устоз, мураббий кўрган бўлишлик ҳам ниҳоятда зарур. Очиғи, раҳбарликни устозларим — Андижоннинг Марҳамат туманидан Бўрибой ака Саломов (талабалик йилларимда у кишининг хўжалигида доимо амалиётда бўлганман), ҳамда ўзим ишлаган «Янгиқўрғон» хўжалигида йигирма бир йил раислик қилган Ҳамро Пўлатовдан ўрганганман. Улар менинг кўзимни очди. Иқтисодий устуворлик нима? Раҳбарнинг қобилияти, касб-маҳорати, нима? Ҳамма-ҳаммасини улардан ўргандим. Худди шундай уста пахтакорлар — Эргаш Холматов, Аҳад Хайруллаев, марҳум Нуриддин Тойировнинг ҳам кўп ҳислатларини олишга ҳаракат қилдим.

**ШУ ЎРИНДА ҚИСҚАЧА ИЗОҲ: Сирож ака ўзи асли агроном, пахтачилик бўйича мутахассис. Меҳнат фаолиятини тумандаги «Янгиқўрғон» ширкат хўжалигида участка ҳосилотлигидан бошлаган. Хўжалик бошқарув раиси лавозимида фаолият кўрсатган. Кейин вилоят деҳқончилик саноати уюшмасида, Навбаҳор туман ҳокимиятида ишлади. «Янгиқўрғон»да раислик қилди. Ҳозир қўшни — «Истиқлол» ширкат хўжалигида раҳбар.**

**— Сирож ака, Сиз илгари «Янгиқўрғон»да икки бор сайланиб, қарийб 10 йил раислик қилдингиз. Айниқса, орадан йиллар ўтиб қайтадан раисликка сайланганингизда хўжалик тамоман парокандаликка юз тутганди. Шу ҳолатга тўхталсангиз?**

— Тўғри, ўшанда мен вилоят деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармасида раис муовини эдим. Кейин яна хўжаликка қайтдим. Ўшанда хўжалик иқтисодиётига путур етганди. Биргина пахтачилик ё ғаллачилик эмас, чорвачилик ҳам жар ёқасида қолганди: 1200 та қорамол 287 тага, 1600 бош қўй атиги 230 тага тушганди. Афсус, ўшанда бир йилгина ишладим. Шундай бўлса-да, хўжалик вилоятда ҳам, туманда ҳам пахта тайёрлаш йиллик режасини барвақт уддалаб, пахта ҳосилдорлигини 34 центнерга, ғаллани — 42 центнерга етказди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун режадан ортиқ 716 тонна буғдой, 105 тонна арпа, 11 тонна масхар дони, 187 тонна шоли, 65 тонна маккажўхори тайёрладик. Йўл қурилиши, табиий газ таъминоти муаммолари ҳал этилди. Тоза ичимлик суви учун қарийб 5 километр масофага қувурлар ётқизилди. Ободончилик ишлари айни авжига чиққанда туман ҳокимлигининг биринчи муовинлигига тавсия этишди. Кейинчалик 1998 йиллар бошида «Гигант» ширкат хўжалигидан ажралиб чиққан ва 78 миллион сўм қарзи билан санацияга тушган «Истиқлол» ширкат хўжалигига ўз аризам билан ишга келдим.

**— Нега энди, ҳокимлик мақомидаги киши бўла туриб, қолоқ бир хўжаликка ўтиб ишлашга мойиллик билдирдингиз?**

— Мен деҳқонман, пахтачилик мутахассисиман, демак, ер билан тирикман. Ҳали-ҳали ўзимни ҳосилот, мироб ҳисоблайман. Хўжаликка ихтиёрий равишда ишга келганимда ерларнинг шўрланиш даражаси ортиб, пахта, ғаллачилик издан чиққан экан. Туман маркази яқин бўлгани боис (марказ айтарли «Истиқлол» хўжалиги ҳудудида) асосий ишчи кучи шаҳарга кетиб қолган экан. Чорвачилик боши берк кўчада эди. Яна кадрлар излашга, малакали, маҳаллий мутахассис ёшларни ортга қайтаришга киришдик. Ер ҳам чин маънодаги деҳқонларга — ижарачиларга қатъий шартнома асосида қайтарилди. Агар хўжалик умумий майдони фермерлар билан қўшиб ҳисоблаганда 3000 гектар бўлса, шунинг 1026 гектари 631 нафар хўжалик аъзоларига (56 та шартнома асосида) батартиб бўлиб берилди. «Умри» тугаган 17 та чопиқ, 4 та ҳайдов трактори таъмирдан сўнг яна «стартга» қўйилди. 2001-2002 йиллар даромадидан қўшимча 1та янги Т-4, 4та ТТЗ-80, 1та МХ-135 механизми лизинг асосида сотиб олинди.

Қарабсизки, иш илгари силжиди. Шўр босган ва чаккаш ерлар ҳолатига алоҳида эътибор қаратдик. Захкашлар, зовурлар қайта қазилди, Ер «хамиртуруши» — маҳаллий ўғитга зўр бердик. Навоий паррандачилик фабрикасидан товуқ гўнгини кўпроқ олиб келиш йўлларини қидирдик. Ҳолсизланиб, ҳосилдорлиги 18-20 центнерга тушиб қолган майдонлар 2001 йил охирида 32-35 центнер, 2002 йил кузида эса 36-37 центнердан пахта берди. Ғаллачилик 21 центнердан 54 центнерга кўтарилди. Исоқул Бўриев, Суннат Жумаев, Донийёр Саидов каби бош пудратчилар, Низом Ҳамроев, Нигора Хушматова, Аҳтам Мирзаев сингари оилавий пудратчилар гектарига 65-70 центнердан буғдой, 34-40 центнердан пахта олишди. Мамаражаб Шоназаров, Ҳамид Жабборов, Йўлдош Худойқулов каби механизаторларимиз жонбозлик кўрсатдилар.

**— Сизни «Янгиқўрғон»да ҳам, ҳозирги «Истиқлол»да ҳам уруғчиликка катта эътибор берганингизни яхши биламиз...**

— Уруғчилик кони фойда! Масалан, 2001 йил уруғчиликнинг ўзидан хўжалигимиз 35 миллион сўм даромад қилган бўлса, 2002 йилда 78 миллион фойда кўрди. «Бухоро-6» чигит навини хўжалигимиз шароитига мақбуллигидан келиб чиқиб, ҳар йили шу уруғдан экаяпмиз. Ўтган йили пахта ва ғаллачиликдан 487 миллион сўм даромад қилдик. Соф фойдаси — 108 миллион сўм. Бу ютуқлар бизни санациядан олиб чиқди. 2 та фельдшер-акушерлик пункти, 1та янги мактаб, қатор савдо нуқталари барпо этилди. Дастлабки босқичда Дамхўжа тоза ичимлик сув йўли тортилди. Мавжуд 5та мактабнинг шарт-шароити ва таълим-тарбия тизимидаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашдик.

Хўжалигимизда 11 миллат ва элатга мансуб 14 минг аҳоли яшайди. Ҳаммасининг ижтимоий ҳимояси, турмуш тарзи жойида. Айниқса, Обод маҳалла йилида фуқароларимиз яшаётган маҳаллалар диққат-эътиборимизда. Бу йил мавжуд 500 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили, 415 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан эса бултургидек 55 центнердан сара дон олмоқчимиз. Пилла, мева ва чорвачиликда ҳам қатъий бурилиш бўлади. Демоқчиманки, ишнинг юришиб кетиши учун фақат ташкилотчиликнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун энг аввало, тажриба, маҳорат ва садоқат ҳам керак. Одамлар билан тил топишиб ишлай олиш — осон эмас...

**Суҳбатдош: Муҳаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

**2003 йил 4, 11 апрель кунлари кимошди ва танлов савдоларини ўтказади.**

Кимошди савдоларида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш Бош бошқармасининг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизматининг асосий воситалари ва айланма активларининг 75 фоиз улуши сотилади.

**Бошланғич нархи — 9 789 660 сўм ёки 13 060 АҚШ доллари.**

Кимошди савдоларига қўйилган объектларга аризалар савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

***Савдо ўтказиладиган манзил:*** Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16А.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. **Телефонлар:** 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

## Кимёвий қуроллар жўнатилган

Бағдоднинг жанубида Америка ва Британия ҳарбийлари билан жангга киришиши кутилаётган Ироқ қўшинлари учун Бағдоддан кимёвий қуроллар олиб чиқиб кетилганлиги ҳақидаги маълумотларга коалиция кучлари эга эканлигини маълум қилдилар. Ҳатто бу ҳақда генерал Винсент Брукс АҚШнинг Қатардаги Марказий қўмондонлиги штабида бўлиб ўтган матбуот йиғилишида баёнот берди. Бироқ ҳозирча Ироқ армияси кимёвий қуроллардан фойдаланишига рухсат берилгани йўқ, дейилади Associated Press агентлиги ахборотида.

Брукснинг таъкидлашича, Саддам Ҳусайн Ироқнинг маълум ҳудудларидан «қизил чизиқ тортган» бўлиши мумкин. Агар коалиция кучлари шу чизиқдан ўтса, кимёвий қуролларни ишга солиши тахмин қилинмоқда. Айрим ҳудудлардан, жумладан, Носириядан ҳам иттифоқчи аскарлар кимёвий қуролдан муҳофаза қилувчи махсус кийимларни топиб олишган эди. Бу Ироқ заҳарловчи қуроллардан фойдаланишга тайёргарлик кўраётганидан далолатдир, дейишмоқда коалиция қўмондонлиги вакиллари.

Генерал Брукс яна шуни маълум қилдики, уруш бошлангандан бери Ироқ Қувайтга 12 та («Ababil-100» русумли) ракета отган. Уларнинг барчаси Patriot зенитлари ёрдамида йўқ қилинган.

Америка қўмондонлиги Ироқ билан урушда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни аввалдан ҳисобга олмаган, деган айбловларни генерал кескин рад этди. Унинг айтишича, ҳарбий ҳаракатлар қандай тус олишини аввалдан ҳеч ким аниқ «башорат» қилолмайди.

Тўғрисини айтганда, Ироқ армияси қўллаётган тактика биз учун кутилмаган бўлди. Биз урушаётган душман ҳарбий-амалий машғулотлардаги «душман»дан кескин фарқ қилади. Биз ҳақиқий душман билан рўбарў келишимизни билардик, аммо уларнинг қандай урушишини билмасдик, деди генерал Уильям Уоллас «Саддам федаинлари» бўлинмалари ҳақида. Унинг қайд этишича, федаинлар фуқаро кийимида жанг олиб бормоқдалар, бунинг устига улар тинч аҳоли ва болалардан «тирик қалқон» сифатида фойдаланмоқдалар.

Ўтган жумада БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Ироқ аҳолисига инсонпарварлик ёрдами сифатида «Нефтга озиқ-овқат айирбошлаш» дастурини қайтадан амалга жорий этиш учун овоз бердилар.

● ТАФСИЛОТ

# Ироқ аҳолисига инсонпарварлик ёрдами берилмоқда

Мазкур дастур БМТ Бош котиби Кофи Аннан томонидан шу йил 17 март куни тўхтатиб қўйилган эди. Негаки, Ироқ ҳукумати БМТ резолюцияси шартларини бажармади. Шундай бўлса-да, Хавфсизлик Кенгашида Ироқ аҳолисига инсонпарварлик ёрдами тезда мувофиқлаштирилишини назарда тутган янги резолюция қабул қилинди. Унинг лойиҳаси бир ҳафта давомида муҳокама этилди. «Новости» агентлигининг хабар беришича, мазкур лойиҳа БМТ Бош котибининг инсонпарварлик ёрдами уюштириш борасидаги ваколатларини кенгайтиради.

Associated Press агентлиги ахборотига кўра эса Ироқ аҳолисига молиявий ёрдам учун 2,2 миллиард доллар керак экан. Шунинг учун ҳам БМТ Бош котиби бу масалада ёрдам беришларини сўраб, донор-мамлакатларга мурожаат эди. Мазкур маблағнинг 1,3 миллиарди Ироқ аҳолисини озиқ-овқат билан 6 ой давомида таъминлашга сарфланади. Бу ишлар Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури доирасида олиб борилади.

Кейинчалик, мамлакатнинг айрим эҳтиёжлари «Нефтга озиқ-овқат айирбошлаш» дастури маблағлари ҳисобига қопланади.

БМТ томонидан тузилган донор мамлакатлар таркибига АҚШ, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, Австралия, Канада ва Япония кирган.

АҚШ давлат департаментидан маълум қилишларича, Ироқ аҳолисига инсонпарварлик ёрдами учун расмий Вашингтон жума куниёқ БМТга 18 миллион доллар ажратди. Унинг 10 миллиони Ироқ соғлиқни сақлаш тизимини кучайтиришга сарфланади. 8 миллиони эса ЮНИСЕФ (БМТнинг болалар фонди)га ажратилди. Бу грант бир йилга мўлжалланган бўлиб, у урушдан сўнг Ироқни қайта тиклаш дастурининг бир қисмини ташкил этади. Бироқ, бу маблағ шу кунларда Ироқ аҳолисини ичимлик суви ва зарур дори-дармон билан таъминлашга ҳамда мамлакатнинг санитария ҳолатини яхшилашга ҳам сарфланиши мумкин. Фақат биринчи галда аёллар ва болаларга ёрдам кўрсатилиши лозим.

Куни кеча Австралия ҳам БМТга 50 миллион АҚШ доллари (83 миллион Австралия доллари) ажратишини маълум қилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, БМТнинг ҳисоб рақамида (донор мамлакатлар маблағ ажратмасдан аввал) 2,5 миллиард доллардан ортиқ маблағ бўлиб, эндиликда у ҳам инсонпарварлик ёрдами учун йўналтирилади.

Қувайтнинг «Ал-Қабас» газетасида ёзишларича, Ироқнинг тинч аҳолисига кенг қамровли ёрдам бериш жараёнида Қувайт ҳам четда турганги йўқ. Жумладан, Қувайт Ироқнинг жанубидаги Сафван ва Умм-Қаср шаҳарларида бир кеча-кундузда 1,5 миллион литр сув етказиб берадиган водопровод тармоғини якшанба куни ишга туширди. Шунингдек, у Ироққа инсонпарварлик ёрдамлари жўнатишни давом эттирмоқда. Куни-кеча Умм-Қасрга 500 минг шиша сув, 38 мингта озиқ-овқат паёги ортилган иккинчи карвон етказилди. Сафван шаҳрига эса 10 тонна ичимлик суви ва озиқ-овқат жўнатилди. Яна 80 тонна инсонпарварлик ёрдами жўнатишга ҳозирлаб қўйилган.

Мамлакатнинг соғлиқни сақлаш вазирлиги Ироқ халқи учун 12 тонна дори-дармон ва тиббий анжомлар ажратди.

Эрон давлати эса Ироқ қочоқларини қабул қилиш ва улар ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш масаласида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг муҳожирлар билан ишлаш департаментининг бош директори Аҳмад Ҳусайни берган маълумотларга таяниб, IRNA агентлиги хабар қилишича, Эроннинг махсус лагерлари 1,3 миллион қочоқни қабул қила олиши мумкин. Кўриниб турибдики, дунёда инсонийлик ва инсонпарварлик устун экан, бирор-бир халқ ёки миллат яккаланиб, кўмаксиз қолиб кетмайди.

**Алимқул СУЛТОН**

# Саддам Ҳусайн ким ўзи?

ЁКИ БУГУНГИ КУНДА ДУНЁ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДАН ТУШМАЁТГАН ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИ ҲАҚИДА

Сўнгги неча ойдирки, (балки сўнгги ўн йиллик десакда, янглишмаймиз) жаҳон оммавий ахборот воситалари эътиборидан тушмаётган шахс — Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн ким ўзи? Бу саволга жавоб тариқасида унинг таржимаи ҳоли саҳифаларидан бир нечтасини варақлаш кифоя қилади.

Саддам Ҳусайн Ал-Тикрити 1937 йил 28 апрелда Бағдоддан 160 чақирим узоқликда жойлашган, Тигр дарёсининг ўнг қирғоғидаги Тикрит шаҳарчасида оддий деҳқон оиласида туғилган. Умри далада кечган отаси ҳали Саддам тўққиз ойлик чақалоқ вақтидаёқ оламдан ўтади. Маҳаллий одатга кўра бева қолган аёлга Саддамнинг амакиси — Алҳаж Иброҳим уйланади.

Саддам тўққиз ёшигача мактабга бормаган. Кейинроқ ҳийла нуфузли Бағдод ҳарбий академиясига ўқишга киришга уруниб кўради, аммо киролмайди.

Амакисининг ёрдамида Бағдоддаги «Ал-Харқ» коллежига киради. 1954 йилда у БААС партиясининг яширин ячейкасига аъзо бўлади. БААС (Араб социал уйғониш партияси)нинг бош ғояси — араб миллатчилиги ва социалистик мафкура қоришмасидан иборат.

Саддам ўз сиёсий фаолиятини қўлида тўппонча билан бошлаганлардан. Тарихдан маълумки, 1958 йилда Ироқда ҳарбий тўнтариш уюштирилади ва ҳукумат тепасига генерал Абдул Карим Қосим келади. Бир йилдан сўнг генерални жисмонан йўқотиш учун партия томонидан тузилган командосга ёш Саддам ҳам аъзо бўлади.

Кунлардан бирида командосчилар генерал-диктаторни ўлдириш учун пистирма ҳозирлашади. Теракта Абдул Карим Қосимнинг ҳайдовчиси ва шахсий адютанти ҳалок бўладилар, аммо ўзи тасодифан омон қолади. Командос аъзоларининг аксари отишма пайтида ўлдирилади. Саддам эса ярадор бўлади ва омон қолади.

Маҳаллий матбуот ўшанда инқилобчи ҳақида шов-шув кўтаради ва у анча йиллар яшириниб юради.

Саддам ўзини кўпроқ аюбийлар сулоласи асосчиси Салоҳиддинга менгзашни хуш кўрарди. Тарихдан маълумки, Салоҳиддин 43 ёшида Миср, Сурия ва Месопотамия ҳукмдори бўлган.

Салоҳиддин ҳам Тикритда туғилган. Тақдирнинг ўхшашлигини қарангки, Саддам ҳам 43 ёшида Ироқнинг президенти бўлди.

Дарвоқе, сал илгарилаб кетдик. Бунгача ҳали анча бор. 1963 йилда БААС партияси Ироқда ҳарбий тўнтариш қилади. Саддам Қоҳирадан Бағдодга қайтиб келади ва партия ички тартиботи хизмати бошлиғи вазифасига тайинланади. Худди шу дақиқадан бошлаб унда чинакамига мустабид ҳукмдорларга хос фазилатлар намоён бўла боради. Партияда ялпи тозалаш ўтказиш, ҳурфикрли аъзоларни қатағон қилиш — Саддамнинг шахсий хизмати.

Ҳокимиятнинг ҳавасини олган сиёсатчининг бошлаган ишлари чала қолади — у партия ҳокимиятидан четлатилади ва янги ҳукумат қонҳўр, деб топган Саддамдан қутулишга қарор қилади. Таржимаи ҳолида ёзилишича, «янги ҳукумат айғоқчилари Саддамни овлоқ бир гўшада қуршаб оладилар. Саддам қўлга тушишни истамайди ва сўнгги ўқи қолгунча отишади. Ўқлари тугагач, мажбуран қўлга тушади». Қизиқ, унга бор-йўғи икки йил қамоқ жазоси берилади. Янги ҳукумат учун хавфли, деб топилган, бунинг устига отишма пайтида ҳукумат хизматидаги кишиларнинг ўндан зиёдини ўлдирган жиноятчига икки йил муддат берилса?

1968 йилги БААС партияси амалга оширган навбатдаги ҳарбий тўнтариш етакчиларидан бири Саддам эди. У биринчилардан бўлиб танк устида президент саройига кириб боради.

Ироқ президентлигини Аҳмад Ҳасан Ал-Бакр эгаллайди. У Саддамнинг яқин қариндоши эди, шу боисдан у вице президент бўлади.

Яна бир қизиқ тафсилот: ёшлигида ҳарбий академияга киролмагани Саддамнинг юрагида армон бўлиб қолган экан. Шу боисдан у академияга киради. Ҳуқуқшунос маълумоти бўйича диплом синови топширишга ҳарбий либосда, белида тўппонча ва тўрт нафар тансоқчиси билан келади. Унинг авзойини кўрган академия домлалари ҳеч нима сўрамасдан аъло баҳо қўйиб беришади.

Саддам ўн бир йил Ал-Бакрнинг «ўнг қўли» бўлди. Амалда ҳокимиятни бошқарди. 1979 йил 16 июлда Ал-Бакрнинг «кексалиги сабабли» президент вазифасидан истеъфо бериши беҳуда эмас...

Энг даҳшатлиси Саддам Ҳусайн президент бўлиб сайланган куни бошланади — шу куни у инисига «аксилдавлат фаолиятини» ўрганувчи комиссия раислигини топширган. Бир кундаёқ БААС партиясининг 21 нафар раҳбари, барча вазирлар ҳибсга олинадилар. Улар кечагина Саддамнинг ҳокимият тепасига келишига кўмаклашган кишилар — унинг дўстлари, маслаҳатдошлари эдилар.

Уларнинг барчаси «миллатга қарши фитна ва хиёнат» қилганликда айбланиб орадан ўн тўққиз кун ўтгач, ҳарбий трибунал ҳукми билан қатл қилиндилар. Сафдошларни отиш маросимига журналистлар, чет эл дипломатик корпус вакиллари таклиф қилиндилар. Қатлни шахсан Саддамнинг ўзи бошқарди.

Яна бир факт: 1973 йили ҳали вице президент бўлиб юрган давридаёқ коммунистлар билан биргаликда ягона фронт тузиш тарафдори бўлиб майдонга чиқади. Орадан сал ўтмасдан бирлашган коммунистларнинг барчаси Саддамнинг топшириғига кўра қатағон қилинадилар.

У ўзини «араб дунёсининг рицари» ҳисоблайди. Эрон билан бошланган ва ўн йил давом этган қонли уруш ҳам ана шу «рицарликни исботлаш» воситаси эди. Бу урушда Ироқ ярим миллион одамини йўқотди, давлат 500 миллиард фунт стерлинг миқдорида зиён кўрди.

Саддамнинг шунча муддат ҳокимият тепасида туриши ва қўшнилари у ёқда турсин (Қувайтга қарши босқинчиликни эсланг) дунёнинг манаман деган давлатлари билан мушт ўқталиш сиёсатини олиб бораётгани, БМТ қарорларини менсимаслиги... сабаби нимада?

Аввало Ироқ ҳокимиятининг асосий бўғинларида Саддам Ҳусайн сулоласи вакиллари туришгани. Қайноға, оғаини, хотини, ўғли, амакиваччаси... бу сулолада ҳеч бир жон мансабдан қуруқ қолмаган. Мамлакатнинг энг нуфузли матбуот органлари ўғли Удай қўлида.

Яна бир асосий сабаби мамлакатда мустабид тузум ҳукмрон. Бир оғиз ўзгача фикр билдириш оғир оқибатларга олиб келади. Бу борада Саддам ҳатто, яқинларини ҳам аямайди. Иккинчи марта уйланишига қарши тургани учун қайноғаси — мудофаа вазири Аднан Ҳайрилло қутилмаганда авиаҳалокатга учради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Саддам мамлакатни зуғум ва зўравонлик режимига, мустабид тузумга асосланган давлатга айлантирди.

Энди ана шундай одамнинг қўлида оммавий қирғин қуроллари сақланаётганини тасаввур қилинг. Даҳшат. Ахир у шундай даҳшатлардан иккитаси содир этди, яъни Эронга ва курдларга қарши ишлатди. Энди учинчи марта бундай даҳшат содир этилмаслиги учун ҳам АҚШ бошлиқ коалиция кучлари Саддам Ҳусайн тузумига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бормоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН**

● ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

# Қирқ ҳунарли маҳалла

Ғиждувон шаҳри марказидан икки ариқ оқиб ўтади. Ана шу ариқлар оралиғида энг йирик маҳаллалардан бири — Алишер Навоий номли маҳалла жойлашган. Тўққиз миллат вакилларидан иборат жами 630 оила, уларда 2600 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Яқинда маҳалла аҳли тиниб-тинчимас, ташаббускор инсон — Шарофат Бафоевани учинчи бор раис этиб сайладилар. Мана ўн йилдирки, Шарофат опа маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳаллани обод қилишда елиб-югуради.

Бундан бир неча йил олдин маҳалла ҳудудидан оқиб ўтувчи Қозоқжон ариғи эътиборсизлик туфайли ахлатхонага айлантирилган эди. Шарофат опанинг ташаббуси билан ана шу ариқ тозаланиб, атрофи ободонлаштирилди. Ариқнинг Хўжалангар мавзесидан оқиб ўтувчи қисмидаги кўприк 14 метрга кенгайтирилди.

Маҳаллада Муҳиддин Мансуров бошлиқ ўн кишидан иборат «Қўриғон» халқ фольклор ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Бу ансамбль ушбу ҳудудда ўтказиб туриладиган тадбирларда ўзларининг жозибали куй ва қўшиқ, рақслари билан мунтазам иштирок этиб келишмоқда.

Боқувчисини йўқотган, меҳр-мурувватга муҳтож оилаларга ғамхўрлик қилиш фаолларнинг доимий назоратида. Кам даромадли хонадонларга табиий газ, электр ва тоза ичимлик суви каби зарурий эҳтиёжларни ҳал қилиб беришда маҳалла раиси бош-қош.

Бу маҳаллани қирқ ҳунарли маҳалла дейишади. Ҳақиқатан ҳам бу ерда ошпазлар, кулол ва новвойлар, қандолатпаз, темирчи, бешиксоз усталар, сандиқсозу, зардўзлар — қўйингки, халқ ҳунармандчилигининг барча соҳа вакиллари эл фаровонлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётир. Жумладан, Навоий кўчаси, 25-уйда яшовчи қандолатпаз Шаҳриябону Тешаева оила аъзолари билан турли-туман шарқона ширинликлар тайёрлаб, эл дастурхонига етказиб бермоқда. Ғ.Маҳкамов кўчаси, 15-уйда яшовчи новвой Обид Низомов ҳам ўғил-қизлари билан бирга кунига 1000-1500 донагача оби нонлар пишириб, кўпчиликнинг дуосини олмоқда. Қўлигул бешиксоз уста Муҳаммад Бақоев ўғиллари Шерзод ва Дилшодлар билан бирга отамерос касблари — бешиксозликни давом эттириб, бежирим, чиройли бешиклар билан харидорларни хурсанд этмоқда.

Опанинг ғамхўрлигидан маҳалла аҳли беҳад миннатдор. Шунингдек, маҳаллада тўй ва бошқа маросимларни кам харажат ва ихчам ҳолда ўтказишда ҳам ибратли ишлар қилинаётир. Ана шунинг учун ҳам маҳалла фуқаролари Шарофат опа Бафоевани ташаббускор фидойи инсон сифатида ардоқлашади.

**Тоир МАҚСУДОВ**

Определением Хозяйственного суда г. Ташкента возбуждено производство по делу о признании банкротом ЧФ «KORINMAS» по заявлению Прокуратуры г. Ташкента.

Первое собрание кредиторов по указанному предприятию состоится 02.04.03 г. в 15.00 часов в здании ГНИ Мирабадского района г. Ташкента по адресу: ул. Нукусская, дом 23-а, каб-601, тел: 553864.

● ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# Умр мазмуни

Яхши инсонлар умри давомида фақат эзгу ишларни амалга оширади. «Яхши инсон дунёнинг устуни» деган сўзлар замирида катта ҳикмат бор. Яхши инсонлар ҳисобига дунё обод, ҳаёт файзли ва мазмунли.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти «Олий ва амалий математика» кафедраси мудири, институт қошидаги «Бизнес мактаб» директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Абдунаби Абдураҳимов ҳам ана шундай инсонлардан. Қайси ҳамкасби, қайси шогирди билан гаплашманг, унинг бағрикенглиги, самимийлиги ва фидойили ҳақида гапиради.

Абдунаби Абдураҳимов умрини эзгуликка —илм ва зиёга бағишлаган. Машаққатли меҳнатлари эвазига икки монография, ўндан ортиқ услубий қўлланма, икки юздан ортиқ илмий мақолалари чоп этилди. Қатор ёшларнинг илмий ишларига назарий ва амалий тадқиқотларга раҳбарлик қилмоқда. Кейинги йилларда кафедра аъзоларининг машаққатли меҳнатлари туфайли 23 монография, 5 жилддан иборат олий математика дарслиги, 19 ўқув ва 140 услубий қўлланма нашр этилди.

Абдунаби ака бошқараётган «Бизнес мактаб» республика халқ хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган менежмент, маркетинг, хўжалик ҳуқуқшуноси ва бошқа мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлайди.

Шиддат билан ўтаётган, шошқин дарё мисол оқаётган умр яхши инсонни янада кўпроқ эзгулик қилишга ундайверади. Абдунаби ака ҳам атрофидагиларга фақат яхшиликни раво кўради. Қўлидан келганча яхшилик қилади. Шунинг учундир, унинг атрофида яхши инсонлар кўп, айниқса иқтидорли ёшлар кўп.

— Тўғриси, мени ўзимнинг илмий ишларимдан ҳам, рўзғор ташвишларимдан ҳам кўпроқ истеъдодли ёшлар қизиқтиради, — дейди Абдунаби ака. — Мамлакатимизда иқтидорлар қанча кўпайса, уларнинг юзага чиқишида озгина бўлса-да менинг ҳам нафим тегса, хурсанд бўламан. Умрим бекор ўтмаяпти, дейман.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

# Ҳикматли сўзлар маъноси

### Беш қўл баробар эмас

«Одамлар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Улар орасида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, ақлли ва ақлсизлари ҳам, одобли ва одобсизлари ҳам ва ҳ.к. бўлади», деган маънода қўлланилади.

### Бешик боласи — бек боласи

Вар.: «Чақалоқ аллада азиз, тўрвада магиз». Бу билан: «Бола чақалоқлигида азиз, ширин бўлади, худди тўрвадаги магиз сингари», дейилмоқчи.

### Бир кун минг кун бўлмас

«Бир кеча минг кеча бўлмас» деб ҳам ишлатиладиган бу мақолни вақтинча бўлаётган қийинчиликка сабр-тоқат қилмай, ҳадеб нолийверадиган одамга тасалли берганда ёхуд бирор ноқулай жойда тунаб қолишга тўғри келганда айтадилар.

# 1 АПРЕЛЬ — КУЛГИ ВА ҲАЗИЛ КУНИ

### САБР-ТОҚАТ БИЛАН

Бир арақхўр уйи олдидаги зинапояда ўтириб олиб:

— Бу у эмас. Бу ҳам у эмас. Буниси ҳам у эмас... — деб ҳадеб бир гапни такрорлар эди.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — деб сўради бир йўловчи.

— Кўз олдимдан ҳамма уйлар қатор бўлиб ўтишяпти. Қачон ўзимнинг уйим келиб қоларкин, деб кутаяпман.

### УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРИ

Журналист юз ёшга кирган отахондан сўради:

— Узоқ умр кўришнинг сири нимада? Ахир сиз ёшлигингиздан чекасиз-ку?

Отахон трубкасини чекиб, тутунни ичига тортди, кейин уни секингина қайтариб чиқарар экан, деди:

— Менинг замонамда, йигитча, никотиннинг зарари ҳақида индашмасди. Ҳозир-чи, ҳар бир сигарет қутисида бу ҳақда ёзилган.

### БАШОРАТ ҚИЛУВЧИ

Икки дўст учрашиб қолишибди:

— Нақ, эман дарахтидек бақувватсан, дўстим. Тўқсон йил яшайсанов.

— Ичимсана дўстим, ичимсан. Аллақачон тўқсонни уриб қўйганман.

— Ана, айтмадимми...

**Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ**

# «Пахтакор» — «Трактор» — 4:0

● СПОРТ

27-28 март кунлари футбол бўйича 2002-2003 йилги Ўзбекистон кубоги 1/8 финал баҳсларининг биринчи учрашувлари бўлиб ўтди. Қуръага кўра, мазкур босқичда «Пахтакор» жамоаси биринчи лиганинг ўтган йилги вакили «Қува» футболчилари билан куч синашиши лозим эди. Бироқ қуваликларнинг иқтисодий муаммолар туфайли биринчиликда қатнаша олмасликлари боис, пахтакорчилар ярим финалга тўғридан-тўғри йўлланмани қўлга киритадиган бўлди.

Хабарингиз бор, 9-23 апрель кунлари «Пахтакор» жамоаси Осиё чемпионлари лигасининг ярим финал учрашувларини ўтказади. «Қува»нинг мусобақалардан чиқиб кетганлиги тошкентликларнинг халқаро миқёсдаги баҳсларда қатнашаётганлиги туфайли мамлакат чемпионатидаги айрим ўйинларини Ўзбекистон кубоги учрашувлари ўтадиган муддатларга кўчиришлари учун қулайлик туғдирди. Натижада ЎФФ пахтакорчиларнинг 26 апрель куни «Трактор» (Тошкент) билан ўтадиган 6-тур учрашувини 28 мартга, 6 апрелда (3-тур) Бухорода бўладиган «Бухоро» — «Пахтакор» ўйинини 2 апрелга кўчирди.

«Трактор» билан ўтган ўйин қисқа қилиб айтганда, пахтакорчилар учун Осиё чемпионлари лигаси баҳслари олдидан ўз имкониятларини яна бир синовдан ўтказишга шароит яратди. Қизиқарли кечган учрашув тракторсозларнинг йирик ҳисобдаги мағлубияти билан якунланди — 4:0. Тўпларни Жафар Ирисметов, Миржалол Қосимов, Ярослав Крушельницкий ҳамда Анваржон Солиевлар киритди.

Мамлакат биллур соврини чорак финал баҳсларининг дастлабки учрашувларида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Қўқон-1912» — 2:1, «Самарқанд-Д» — «Насаф» — 1:0, «Сурхон» — «Металлург» — 3:0, «Нефтчи» — «Дўстлик» — 3:0, «Навбаҳор» — «Қизилқум» — 4:2, «Зарафшон» — «Сўғдиёна» — 1:3, «Машъал» — «ЎМБ-Осиё» — 7:1.

Жавоб ўйинлари 2 апрелда ўтказилади.

**Эркин ХОЛБОБО**

**«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!**

*Жамият акциядорларининг 2003 йил 26 мартда ўтказилган навбатдаги 2002 йил натижаларига бағишланган умумий мажлиси қуйидагича қарор қабул қилди:*

*1. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.*

*2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.*

*3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Тафтиш комиссияси текшируви ҳисоботи тасдиқлансин.*

*4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси тасдиқлансин.*

*5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби тасдиқлансин:*

*2002 йил якуни бўйича жами даромадлар — 326530,3 минг сўм;*

*Жами харажатлар — 280046,2 минг сўм; соф фойда — 46484,1 сўм.*

*Шундан:*

*— жамият раисини мукофотлашга — 1430,9 минг сўм,*

*жамият меҳнат жамоасини йил якуни бўйича моддий рағбатлантиришга — 1907,9 минг сўм.*

*қолган соф фойдадан:*

*— жамиятнинг заҳира фондига (10%) — 4314,5 минг сўм;*

*— жамиятнинг ривожланиш фондига (5%) — 2157,3 минг сўм;*

*— акциядорларга дивиденд тўлашга (85%) — 36673,5 минг сўм.*

*Ҳар бир акцияга 215,7 сўмдан дивиденд ҳисоблансин. Дивидендлар 60 кун ичида берилсин.*

*6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси қуйидагича тасдиқлансин:*

*— жами даромадлар — 375604,0 минг сўм;*

*— жами харажатлар — 323887,7 минг сўм;*

*— соф фойда — 51716,3 минг сўм.*

*7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «Гарант — Аудит» аудиторлик фирмаси тасдиқлансин.*

*8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибидаги Ф.В.Нуралиев, А.Муҳамедходжаевларни озод этиб, Кузатув Кенгашига қуйидаги шахслар киритилсин: А.В.Абдуқодиров, Я.Акбарова.*

*9. Жамият Кузатув Кенгаши 2002 йил 7 ноябрдаги мажлис баёни қарорига асосан «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ ҳудудида ижарага берилган жойлардан ундириладиган ҳақ миқдорлари ставкалари тасдиқлансин.*

*10. Жамият бошқаруви раиси Э.И.Иногамовнинг меҳнат шартномаси муддати узайтирилиб, 1 йил муддатга қайта сайлансин.*

*11. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган Бизнес плани тасдиқлансин.*

*12. Жамиятнинг Низомига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқлансин.*

*Жамият акциядорлари реестри 2003 йил 24 февраль ҳолатига тузилган.*

Дивидендлар Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент Халқа йўли, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очиқ акциядорлик жамияти манзили бўйича берилмоқда.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: 195-96-52**

**«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очиқ акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши**

**ТЕНДЕР**

Акционерное общество «Бухоротекс» ГАК «Узбекенгилсаноат» расположенное в г.Бухара, объявляет о проведении тендера по проекту создания ДП «Зумрут» по организации тростильно-крутильное производство с выпуском махровых полотенец.

Созаваемые мощности:

1294 тонн крученой кардной х/б пряжи метрического номера NM 54/2 и 3622 тысю штук махровых изделий.

Финансирование проекта должно быть осуществлено за счет кредита иностранных банков.

Желающих принять участие в тендере и получить положение о его проведении просим обращаться по адресу:

705022, Бухарская облась
г.Бухара
ул. Промышленная 2
ОАО «Бухоротекс»
тел.: 8-365-22-30621
24984
23761

Предложения участников тендера с отражением технической и экономической характеристик проекта принимаются в течение 1 месяца с даты публикации настоящего объявления.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси ёзувчи **Суннатулла АНОРБОЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Республикада хизмат кўрсатган журналист, «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳарири **Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

# Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси

**Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармасининг Ҳуқуқ дастури «Адвокатлар малакасини ошириш Маркази» лойиҳасининг раҳбари лавозимига танлов эълон қилади. Марказнинг асосий мақсади адвокатлар учун доимий қисқа муддатли курсларни ўтказишдан иборат.**

Марказ раҳбарининг асосий вазифалари:

— Марказ фаолиятини мувофиқлаштириш;

— давлат муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан яқин алоқада бўлиш;

— Марказ дастурлари ва лойиҳаларига раҳбарликни амалга ошириш;

— амалга оширилган лойиҳалар бўйича ОЖИКЖга ҳисоботларни тақдим этиш.

Номзод қуйидаги мажбурий объектив мезонларга мос келиши лозим:

— олий юридик маълумот(LLB/LLM/Ph.D) ёки ўқитувчилик амалиёти тажрибасига эга бўлиши;

— адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлиши (ёки танловда иштирок этиш учун ариза бераётган чоғда стажёр сифатида адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган бўлиши);

— амалий маъмурий ёки хўжалик-молиявий фаолият тажрибасига эга бўлиши;

— ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши;

— шахсий компьютерда (Word, Excel, PowerPoint, Internet/Email) ишлаш малакасига эга бўлиши;

— ёш цензи — 40 ёш.

Номзод «Адвокатлар малакасини ошириш Маркази»нинг дастурини (концепциясини) эълон қилинган адвокатура институтини ислоҳ этиш концепцияси ва «Адвокатура тўғрисида»ги қонун ташаббусли лойиҳаси (қаранг: «Ўзбекистон Адвокатураси: Ислоҳ қилишда кўмаклашув — Қонунчилик ва адвокатлик амалиёти бўйича таклифлар». Таҳрир кенгаши: М.Х. Рустамбоев, Л.Б. Хван, С.А. Ёқубов ва бошқалар. — Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002 йил) доирасида ишлаб чиқиб, экспертлар комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этиши керак. «Ўзбекистон адвокатураси: Ислоқ қилишда кўмаклашув. — Қонунчилик ва адвокатлик амалиёти бўйича таклифлар» билан Тошкент давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Ўзбекистон миллий университети, Наманган давлат университети, Андижон давлат университети, Нукус давлат университети кутубхоналари ва юридик клиникаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциацияси бўлимларида танишиш мумкин.

Номзод резюмеси ва концепцияси Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармасига 2003 йилнинг 1 майидан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

**Батафсил маълумотларни Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармасига мурожаат этиб олиш мумкин.**

**Манзилгоҳ:** 700031, Тошкент шаҳри, Зарбоғ кўчаси 31-уй *(мўлжал: «Россия» меҳмонхонаси)*
**Тел.:** (8-371) 120-54-08, 120-54-09, 120-54-10, 120-54-11. **Факс:** (8-371) 120-68-54.
**Email: umida@osi.uz, bobomurod@osi.uz.**
**Умида Ҳусанхўжаева —** «Ҳуқуқ ва Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш» дастурлари мувофиқлаштирувчиси.
**Бобомурод Мўминов —** «Ҳуқуқ ва Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш» дастурлари мувофиқлаштирувчисининг ассистенти.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Qo`chqor NORQOBIL

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 247

16178 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA